



ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 05th June 2022

KEY WORDS

О.Иакинф, Бий шиӣ, Суӣ шу, Там шу, В. Помашек, Турк-руний Жанубий Суғд Тарихи, Табарий Муг тоги..

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА СУГД ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

Абдиев Улугбек Абдиқаюм угли

Самарканд давлат университети

тариҳ факултети

археология йуналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6673317>

ABSTRACT

Мазкур маколада муаллиф улкамизнинг илк урта асрлардаги Суғд давлатининг археологик ва ёзма манбаларда урганилишини ёритган.

Суғд, унинг бой тарихий - маданий мероси XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларига қадар изчил тадқиқотлардан четда қолиб келди. Ўрта Осиё халқлари тарихига бағишлиланган умумлаштирувчи тарихий нашрларда XX асрнинг қарийиб 30-50-йилларигача эрамизнинг дастлабки асрлари, айниқса, араб истилосигача бўлган даври ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда оз ва узуқ - юлуқ бўлган. Бунга сабаб ўтмишнинг шу муҳим босқичлари бўйича ёзма манбалар мукаммал ўрганиб чиқилмагани, қолаверса, мазкур худуднинг ўзидан қадимиятга, хусусан, араб истилосига қадар даврига оид ёзма ёдгорликлари жуда кам топилганилигидир. Бундан ташқари, кўрилаётган даврда археологик тадқиқотлар ҳам кенг кўламда ривожланмаган эди. Шунга қарамасдан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан фан

тасарруфидағи манбаларни умумлаштириш асосида бир қатор тадқиқотлар юзага келди.

Маълумки, XIX аср ўрталаридан иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан боғлиқ равишда Европа мамлакатларининг Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқлари тарихий ва маданий ўтмишига бўлган қизиқиши ниҳоятда кучайди. Натижада минтақа тарихига доир манбаларни тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратилди. Дастлаб 1851-йилда О.Иакинфнинг Хитой манбалари асосида минтақа тарихига доир асари нашр этилди. Асарда “Бэй ши” (V аср), “Суӣ шу” (VII асрнинг бошлари) ва “Тан шу” (621-907 йй.) каби Хитой йилномаларида тилга олинган Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё худудидаги давлатлар, ўлка, мулклар ва вилоятларнинг жойлашуви, хўжалиги, бошқаруви ва маданиятига доир маълумотлар ўз аксини топди. Асар кейинчалик Суғд



тариҳига оид муҳим манбашунослик тадқиқотлари амалга оширилишига турткি берди. Шунингдек, ўлқанинг маданий ҳаёти ҳамда ижтимоий жараёнларга оид хитой тилидаги айрим саёҳатномалар ҳамда Суғд тариҳига доир маълумотлар мавжуд арман тилидаги айрим манбалар ҳам тадқиқ этилди. 1877-йилда В.Томашек хитой, араб - форс манбалари асосида қадимги Суғдиёна ва илк ўрта асрлар Суғдининг тарихий – географик ва сиёсий ҳаритасини тиклаш мақсадида биринчи монографик тадқиқотини чоп эттириди. Тадқиқотчи ушбу асарида илк ўрта асрлар Суғди ҳозирги Зарафшон (Самарқанд ва Бухоро Суғди) ҳамда Қашқадарё (Жанубий Суғд) воҳаларини қамраб олганлиги ҳақида фикр юритади. Суғднинг географик жиҳатдан ушбу таркибий қисмларга ажратилиши кейинги тадқиқотларда ҳам сақланиб қолди. XX асрнинг 70-80-йилларида манбашунослик соҳаларидаги тадқиқотлар изчил давом эттирилди. Хусусан, Ўрта Осиёning V-VII асрлар тариҳига доир арман ҳамда туркруний манбалари тадқиқ этилди. Туркруний манбаларнинг тадқиқ этилиши Туркий хоқонлиги хукмронлиги даврида суғдийларнинг хоқонлик иқтисодий ҳаётидаги мавқеи борасида қўшимча маълумотлар олиш имконини беради. Шунингдек, Суғд ҳунармандчилиги ривожи омилларига доир муайян маълумотларни ўзида акс эттирган “Тарихи Табарий” асарининг таржима қилиниши бу борадаги муҳим босқич бўлди. Мазкур даврда суғдшуносликда ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, суғдшуносликнинг қарийб 75 йиллик натижалари асосида

умумлаштирувчи асар нашр юзини кўрди . Ушбу натижалар асарнинг иккинчи жилдидаги библиографик илова сифатида акс этди. Қолаверса, М.М.Исҳоқов ўзининг Муғ тоғи хужжатлари ҳамда суғдча битиклар устидаги тадқиқотларида ҳам муайян хулосалар ва маълумотларни келтириб ўтди. Шунингдек, бу даврда Хитой йилномаларидағи тарихий-географик маълумотларга доир тадқиқотлар ҳам давом эттирилиб, муҳим хулосалар чиқарилди .

Суғднинг савдо-иқтисодий алоқалари манбашунослигида турли ҳудудлардан топилган суғдча хотирот-ташрифномаларнинг ўрганилиши ҳам уҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Ҳиндистон билан Тибет чегарасида жойлашган Ладакх ҳудудидаги қоятош сиртига ёзилган ташрифномалар дастлаб Ф.В.К.Мюллэр, кейинчалик Э.Бенвенист, В.Б.Хеннинг, С.Г.Кляшторный ҳамда В.А.Лившиц томонидан тадқиқ этилди. Талас водийси(Шарқий Туркистон)даги Қулонсой ва Тераксой даралари бўйлаб

харсанг ва қоятошлардаги ташрифномалар ҳам XX асрнинг 60-йилларидағи муҳим топилма бўлди . Қорақурум водийси(Покистон)даги қоятош суратлари ҳамда суғдий ташрифномалар мажмуасининг топилиши эса манбашунослик соҳасида муҳим тадқиқотлар амалга оширилишига замин яратди. Шатиал қоятошларидаги суғдча ташрифномалар дастлаб X.Хумбах томонидан тадқиқ этилди. Кейинчалик инглиз олими Н.Симс-Вильямс ушбу мажмууга оид



фотонусхаларни махсус альбом тарзида чоп эттириди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз худудида рўй берган тарихий жараёнларни холисона ўрганишга ҳукумат томонидан берилган катта эътибор туфайли манбашунослик соҳаларидағи тадқиқотлар янги босқичга кўтарилиди. Қарийб бир ярим аср давомида бирламчи манбалар устида амалга оширилган тадқиқот ва яратилган асарларга янгича илмий ёндашув, уларни таҳлил этиш, тарих фанининг бошқа соҳаларидағи эришилган ютуқлар натижасида қўлга киритилган янги маълумотлар билан қиёсий солиштириш ва қайта тўлдириш асосида мамлакатимизда манбашунослик соҳасида алоҳида илмий мактаблар ривожланди. Жумладан, истиқлоннинг дастлабки йилларидаёқ Суғд битикларини тугал ўрганиш асосида М.М.Исҳоқовнинг тадқиқоти юзага келди. Шунингдек, Муғ тоғи ҳужжатларини тадқиқ ва таҳлил этиш асосида тадқиқотчи ҳамда унинг шогирдлари – А.Отахўжаев, Ш.Шоёқубов, Б.Бобоқулова томонидан мавзуга доир самарали ишлар амалга оширилди. А.Отахўжаев бугунги кунда манбашунослик соҳасида “Илк ўрта асрлар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда турк-суғд муносабатлари” мавзуида тадқиқот олиб бораётган бўлса, Ш.Шоёқубовнинг тадқиқоти туфайли Суғднинг товар-пул муносабатларига доир муҳим маълумотлар ва хulosалар вуждуга келди.

Сўнгги йилларда Суғднинг тарихий-географиясига оид айrim араб манбалари ҳам тадқиқ этилди.

Шунингдек, хитойшунос А.Хўжаев изланишлари туфайли энг сўнгги тадқиқотларни ўзида акс эттирган, Хитой тилида чоп этилган суғдийларнинг савдо-сотиқ жараёнларидағи иштироки ҳамда Марказий Осиё тарихида тутган мавқелари ва Хитойдаги суғдийлар ҳаёти борасидаги муҳим тадқиқотлар нашр этилмоқда. Қолаверса, Марказий Осиёнинг бир қатор худудларидан аниқланган турк-руний ёзувлари устида ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадқиқотчилар томонидан изчил тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Суғд тарихига бўлган қизиқиш туфайли хорижлик мутахассислар томонидан ҳам манбашунослик борасида муҳим тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кўплаб манбаларни жалб этиш асосида француз тадқиқотчиси Этъен де ла Васъер ўз тадқиқотини чоп эттириди 2 . Тадқиқотчи ўз асарида суғдийларнинг халқаро савдо-иқтисодий алоқалардаги фаол иштироки борасида манбалар асосида муҳим маълумотларни келтириб ўтади.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўтмишнинг турли жабҳаларини ёритишида муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалар устида амалга оширилган тадқиқотлар Суғд ҳунармандчилиги ва савдо-иқтисодий алоқаларига доир муайян маълумотлар олиш имконини берди. Бироқ, бу каби манбаларнинг ҳунармандчилик соҳаларини тадқиқ этишда етарли эмаслиги, шунингдек, мавжуд манбаларни тадқиқ этишда тадқиқотчилар ўртасидаги турли ёндашувлар ҳамда хulosаларнинг якуний ечими топилмаганлиги (бу каби ҳолатларни Хитой манбаларидаги



географик маълумотлар ҳамда суғдча манбаларни тадқиқ этишдаги турлича ёндашувлар мисолида кузатиш мумкин) туфайли бу тадқиқотлар хulosаларидан мавзуга доир тўлиқ маълумотларни ололмаймиз. Шу сабабли фикримизча, мавзуни батафсил ёритиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда бевосита Суғд ҳудудида амалга оширилган археологик қазишмалар давомида қўлга киритилган илк ўрта асрлар даврига оид ҳунармандчилик маҳсулотлари ва танга пуллар устида олиб борилган тадқиқотларни мавжуд ёзма манбалар маълумотлари билан қиёсий таҳлил этиш асосида илмий хulosалар бериш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб бугунги кунга қадар давом этаётган археологик тадқиқотлар натижасида илк ўрта асрлар Суғд ҳунармандчилиги, савдо – иқтисодий алоқалари, шаҳарлар ривожи, қадимги йўллар, ирригация иншоотлари бўйича кўплаб маълумотлар тўпланган. Уларнинг айримларида бир – бирини инкор этувчи хulosалар, бир томонлама ёндашувлар мавжуд. Тўпланган маълумотларни умумлаштириш, уларга илмий – қиёсий таҳлиллар асосида бугунги мустақиллик мафқураси нуқтаи назаридан янгича ёндашув орқали илмий хulosалар бериш замонавий тарихшуносликда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасизdir.

References:

1. Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А.Расулов таржимаси.-Тошкент.: Фан,1966. -120 б.
2. А. Анарбаев. Араблар босқини ва суғд-турк зодогонларининг тақдири. Ўзбекистон Археологияси. 2016. №
3. Anarbaev A. Самаркандский Согд и Фергана на Великом Шёлковом пути // Another Silk Road. Korea Silk Road Project. Geong Gi, 2012.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.-Тошкент.: Шарқ,2007.- 232 б.
5. .Бердимурадов А.Э.,Богомолов Г.И., Индиаминова Ш., Уно Такоа, А.Бегматов..Кафирқалъа: новые выдающиеся находки искусство Согда. BULLETON OF MIHO MUSEUM Volume 19
6. Исҳоқов М.М. Суғдиёна тарих чорраҳасида.-Тошкент: Фан,1990.-34 б.